



Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани, Чироқчи йўли 80
Телефон: (364) 612-55-31, факс: +998(364) 612-55-90

140300, м. Самарқанд, Самарқанд вилояти, Самарқанд району
Телефон: +998(364) 612-55-31, факс: +998(364) 612-55-90

№ 23-ққабр

№ 1818-к

“Улугбек” кишлоқ фуқаролар йиғини “Янгиарик” маҳалласида фуқаро Рахимов Дилмурод Ходжимуродовичга шарқ ширинликлари ишлаб чиқариш цехи қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Тумандаги “Даштакиболо” кишлоқ фуқаролар йиғини “Даштисўхта” маҳалласида яшовчи фуқаро Рахимов Дилмурод Ходжимуродович туман ҳокими номига “Улугбек” кишлоқ фуқаролар йиғини “Янгиарик” маҳалласи ҳудудидан намунавий лойиха асосида қуриладиган уй жойлар массиви бош режасидан шарқ ширинликлари ишлаб чиқариш цехи қуриш учун ер майдони ажратишни сўраб ёзган аризаси, туман ер танлаш хайъатининг тузган далолатномаси, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг Давлат экологик экспертизаси хулосасини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26-февралдаги “Шахарсозлик фаолиятини амалга ошириш ва кишлоқ хўжалигига оид булмаган эҳтиёжлар учун ер участкаларини бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора тadbирлари тўғрисида”ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли “Тadbиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” қарорлари Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Тумандаги “Даштакиболо” кишлоқ фуқаролар йиғини “Даштисўхта” маҳалласида яшовчи фуқаро Рахимов Дилмурод Ходжимуродовичга “Улугбек” кишлоқ фуқаролар йиғини “Янгиарик” маҳалласи ҳудудидан намунавий лойиха асосида қуриладиган уй жойлар массиви бош режасидан шарқ ширинликлари ишлаб чиқариш цехи қуриш учун 720 м.кв кишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган туман захира ерлари ҳисобидан ер майдони ажратиш ҳақидаги туман ер танлаш хайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Рахимов Дилмурод Ходжимуродовичга шарқ ширинликлари ишлаб чиқариш цехини қуришдан олдин қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси “Шахарсозлик кодекси”нинг 8, 39, 54 моддаларига амал қилган ҳолда архитектура талаблари топшириги (АРТ), лойиха ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиши экспертизаси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.